

Инсон ва қонун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен англаган ҳаёт
ҳақиқати"

Ўйларинг сўзларинг-
га, сўзларинг феълингга,
феълинг тақдирингга
нуҳс этади. Гўзал ўйла,
гўзал яша.

ЖАЛОЛИДДИН РУМЙИ

2019 йил 14 май

сешанба № 19 (1171)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚАНДАЙ

ЎЗГАРИШЛАР

БОР?

Нечта ОТМга ҳужжат топшириш мумкин?

TOEFL бўйича камида 72 балл

IELTS бўйича камида 5,5 балл

Абитуриентлар ўз хоҳиш-истагига қараб, 3 та олий таълим муассасасига ҳужжат топшириши мумкин

магистратурага киришда қуйдагилар бекор қилинди:

ОТМга қўшимча давлат грантлари асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинувчилар



муассасаларга мос саволлар асосида суҳбат



"Информатика ва ахборот технологиялари" фани бўйича синов



Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича синов



Исхонқон Ибрат номидаги хорижий тилларга иктисослашган мактаб-интернатни аъло баҳолаб битирган битирувчилари



ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи (тавсияномасига асосан)

2019 йил 27 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги низомига тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан қуйдагилар олий таълим муассасаларига қўшимча давлат грантлари асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинувчилар қаторига киритилди:

- Наманган вилоят Тўрақўрғон туманидаги Исхонқон Ибрат номидаги хорижий тилларга иктисослашган мактаб-интернатни аъло баҳолаб битирган битирувчилар бакалавриятнинг хорижий тил ва адабиёт, филология ва тилларни ўқитиш йўналишларига;

- ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи, қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти тавсияномасига асосан.

Шунингдек, киритилган қўшимчалар билан сиртки таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби белгиланди. Унга қўра, энди

Қарорга киритилган қўшимчаларга мувофиқ, энди турк тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар ҳам мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар.

Мухим ўзгаришлардан яна бири эндиликда олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома талаб этилмайди.

Магистратурага киришда нималар бекор қилинди?

Шунингдек, магистратурага киришда қуйдагилар бекор қилинди:

- магистратурага кирувчиларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлаш мақсадида танланган мутахассисликка мос саволлар асосида суҳбат;
- "Информатика ва ахборот технологиялари" фани бўйича синов;
- Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича синов.

Магистратурага ҳужжат топширганларнинг TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балли бўлганида улар чет тилидан кириш синовидида иштирок этмайдилар. Илгари бу натижалар TOEFL бўйича камида 58 ва IELTS бўйича камида 5 балл бўлиши керак эди.

Ўқишни бахорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш ҳар йили 15 январдан 25 январгача давом этади. Илгари 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар эди.

Тест синовини учун белгиланган пул миқдори камайиши мумкинми?

Жорий йилнинг 10 май куни худди шу мавзуда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Давлат тест маркази томонидан жорий йилда ишлаб чиқилган бир қатор ҳужжат лойиҳалари ва уларнинг ҳозирги ҳолати муҳокама

этилди. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини пуллик асосда ташкиллаштириш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда журналистлар саволларига Давлат тест маркази вакили жавоб берди.

Барно РАЖАБОВ,
Давлат тест маркази
Бош бошқарма бошлиғи:



— Тест синовларини янада яхшироқ ўтказиш, шаффофликни ва ошқораликни таъминлаш учун бир қатор қўшимча чора-тадбирлар зарур бўлади. Бу ҳақда ҳужжат лойиҳаларида батафсил маълум қилинган. Авваламбор, биноларга киришда бармоқ изларини текширишда керакли аппаратуралар, тест синовини бўладиган бинодо мобил алоқани тўсиш, видеокамералар ўрнатиш, биноларнинг ижара ҳақлари, тест синовларини назорат қиладиган ходимларга шартнома асосида иш ҳақи тўлаш каби қўллаб-қувватлаб талаб қилинадиган масалалар бор. Илгари барча харажатлар Давлат бюджетининг миллиардлаб маблағлари ҳисобидан амалга оширилган эди. Айни дамда бутун дунёда тест синовларини топшириш пуллик асосда бўлгани ҳолда турли харажатларни қоплаш учун не-

га энди бизда пулли бўлмаслиги керак, деган савол ҳам бор. Нима учун бюджет маблағини бошқа мақсадлар учун давлат ҳисобида қолдириб, тўловдан тушган ушбу пуллари тест синовини ўтказишнинг моддий манбаларига сарфламаслики керак? Шу мақсадда лойиҳага олий таълим муассасаларига имтиҳон топширишни пуллик тарзда, яъни энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланган лозимлигини киритдик. Албатта, ушбу лойиҳа бир қанча муҳокамаларга сабаб бўлди. Айтиб ўтишим лозимки, бу масала ҳозирда Президент Администрациясида ҳам кўриб чиқилаяпти. Айни пайтда аҳолининг турли қатламлари, халқнинг ижтимоий ҳимояси масалаларини назарда тутган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланган тўлов суммаси камайитирилиши кўзда тутилган.

Бир йўла нечта олийгоҳга ҳужжат топшириш мумкин?

Давлат тест маркази вакилининг маълум қилишича, жорий йилдан бошлаб абитуриентлар ўз хоҳиш-истагига қараб, учта олий таълим муассасасига ҳужжат топшириши мумкин бўлади. Биринчи олийгоҳга тўплаган бали етмаган абитуриент иккинчи ва учинчи олийгоҳга ўқишга қабул қилиниши мумкин. Олийгоҳни танлаш абитуриент учун эркин, аммо ҳар бир олий таълим муассасасига учта фани бир хил бўлган йўналишлар бўйича ҳужжат топшириш талаб этилади.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадия ҚАЗОБА тайёрлади.

ЭКОЛОГИЯ

"ЕР САЙЁРАСИДА ҲЕЧ КИМ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИДАН ТАЪСИРЛАНМАЙ ҚОЛМАЙДИ"

БУТУНЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТИГА ҚўРА, БУГУНГИ КУНГАЧА ГЛОБАЛ ҲАРОРАТ 1880 йилдаги даражадан 1°C га ортган. ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДДИ ШУ ДАВР УЧУН ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°C га кўтарилган.

Иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар бутун инсониятни ўйлантиратган энг долзарб муаммолар сирасига кириб, иқлим ўзгариши инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда ва шу боис жаҳон ҳамжамияти томонидан энг глобал таҳдидлардан бири, деб тан олинган.

Иқлим атамаси грекча "клима" — қиялик маъносини, яъни қуёш нурларининг ерга тушган пайтида оғиш-тушиш қиялигини англатади. Бу атама юнон астрономи Гиппарх (мил. авв. 160-125 йиллар) томонидан фанга киритилганлиги маълум.

Калифорния университети мутахассиси, тадқиқотчи Эрик Риньонинг таъкидлашича, атмосферада парник газлари ўта кўп миқдорда тўпланиши оқибатида Ер иқлимида 1980 йиллардан кескин ўзгариш бошланган. "Ер сайёрасида ҳеч ким иқлим ўзгаришидан таъсирланмай қолмайди", деган эди БМТ хайъати раиси Ражендра Пачаури Йокхоамада. Дунёнинг 26 мамлакатидида тадқиқот ўтказган "Pew Research Center" таҳлилчилари замондошларимизни энг кўп ўйлантираётган, ташвишга солаётган таҳдидларни аниқлашди. "Биринчи рақамли" таҳдид бу глобал иқлим ўзгаришларидир.



2-3 БЕТЛАРДА

ЎЗИНГДАН ОЛИС КЕТМА

ЁЛҒОННИНГ ЁВҒОНИ ЁМОН

ТЕЛЕФОНДАН бошингизни кўтариб, атрофга эътибор билан қаранг! Дунё ҳали ҳам ранг-баранг, реал ҳаётда виртуал оламдан кўра гўзалроқ, маънолироқ манзараларни топасиз.

Авваллари одамлар уйкуга ётишдан олдин бир муддат бугунги кун қандай ўтгани, эртаси қандай бўлиши ҳақида ўйлар, бироз бўлса-да, эзгу ғоялар ҳақида фикр юритар эди. Ҳозир-чи? Бугунги кунда кўпчилигимиз ярим тун бўлишига қарамай интернетдан бошимизни кўтармаймиз. Бармоқларимиз смартфон сенсорини ёки "сичқонча"ни силаганча кўзимиз илинади.

МЕЪЁР БЎЛГАНИ ЯХШИ

Бугунги кунда оммалашган "Facebook", "Instagram", "Twitter" каби ижтимоий тармоқларда айримлар ўзларининг интим муносабатлари, шахсий, оилавий масалаларини "пост" қилиб қўйишганини кўп кузатгансиз. Ажаб ҳолат. Болалигимизда бобо-бувиларимиз "Уйдаги гап кўчага чиқарилмайди", деб кўп уқтиришарди. Ҳозир эса кўча тугул бутун мамлакат бўйлаб,



балки бутун жаҳон бўйлаб тарқалишини истаб қолаяпмиз. Қолаверса, ҳар хил бўлар-бўлмас, бачкана, иғво ва фиску фасоддан иборат фикрларни ёзишдан ҳеч чарчамаймиз. Ҳар ким ҳаёлига неки келса ёзмоқда, истаган нарсасини ижтимоий тармоқдаги "виртуал дўстлари" билан баҳам кўрмоқда. Кимдир мушугининг суратини "Instagram"га жойласа, яна кимдир ўртоқлари билан беҳаё ҳолда тушган расмини "Facebook"даги саҳифа-

сига жойлаштирмоқда. Турли хил ёшдаги, ҳоҳ у қари бўлсин, ҳоҳ ёш бўлсин ўзига ярашмаган расмлар ва постлар қўйиши одат тусига айлангани эса энг ачинарли ҳоллардан яна биридир.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда "Facebook" ижтимоий тармоғининг фойдаланувчилари сони 1,5 миллион (2018 йилдаги ҳолат бўйича)дан ошар экан. 1 та профилини эса ўртача 2-3 минг киши кузатади. Агар у таниқли инсон бўлса-ку умуман бошқа масала. Унинг кузатувчилари сони 5-10 мингдан ошиб кетиши турган гап. Ана энди тасаввур қилинг, бир киши ўз оиласида бўлган воқеани ёки ўзи билан боғлиқ қандайдир мавзунинг профилига қўйса. Агар пост қизикроқ бўлса, уни кўрган кузатувчи бир тугма орқали бошқаларга ҳам улашади. Қарабсизки, бир дегунча сизнинг шахсий ҳаётингиз ёки масалангиздан 5-10 минг киши хабардор бўлиб турибди.

ВАҚТ ЎҒРИСИ

Ижтимоий тармоқ—ёлғон ҳаёт, лекин дахшатли ўйин. Техникани тушунган, замонавий ахборот технологияларидан қисман бўлса-да бохабар бўлганлар-ку бу виртуал туюқлардан сақланар, лекин интернет ва компьютер

технологияларини "сеҳрли куч", дея тасаввур қиладиган одамлар-чи? Улар бу каби катта-кичик хавфлардан қандай ҳимояланади? Ҳали кўп вақт бўлмади, айнан ижтимоий тармоқлар ҳамда мобил мессенжерлар орқали "Момо", "Синий кит (кўк кит)" каби инсон ҳаётига жиддий хавф соладиган (аслида бу шунчаки ўйин) ўйинлар хуружи юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу каби ўйинлар кимларнидир умрига завоқ бўлди, кимларнидир кўнглига кўрқув солди.

Ижтимоий тармоқ — вақт ўғриси. Кузатувлар, сўровномалардан билиш мумкинки, одамлар ижтимоий тармоқ учун бир кунда камида 4-5 соат вақт сарфлашади. Интернет оламини кезар экансиз, баъзиларнинг эрта-ю кеч "online", "в сети" каби ҳолатларига кўзингиз тушади. Беихтиёр бу одамлар интернетда "яшайдими?", дея ўзингизга савол берасиз.

Ижтимоий тармоқ — пул сарфлашнинг осон йўли. Ўзбекистондаги мобил алоқа операторлари тарқатаётган маълумотларга қараганда, мижозлар томонидан тўланаётган абонент тўловларининг 3 дан 2 қисми интернет "megabayt"лари учун сарфланар экан. Кузатувларда яна шу аён бўлдики, интернетга ажратилган "megabayt"ларнинг ярмидан кўпи ижтимоий тармоқлар учун сарфланади. Шунинг учун ҳам (бу шахсий фикрим) сўнгги йилларда таъриф режаларда берилган "megabayt"лар интернет учун алоҳида, ижтимоий тармоқлар учун алоҳида каби ҳажм-

ларга ажратиб чиқилди. Бундан ташқари, интернетда турли хил ёлғон хабарлар ва ўйинлар ортидан пулларини йўқотаётган одамларни ҳам учратиб турибмиз. Бу каби ўйинлар қайси ва улар қандай бўлиши барчамизга аён.

Шу ўринда яна бир қизиқ ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. "Instagram", "Telegram" каби ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда аъзолар сонини кўпайтириш учун пул сарфлайдиганлар ҳам бор экан орамизда. Бу каби ёлғон аъзо қўшувчилар аъзо қўйиш нархларини ҳам белгилаб олишар.

ХУЛОСА

Биз интернет, ижтимоий тармоқлар қони зарар, деярликанимиз йўқ. Албатта, замонавий ахборот технологиялари ютуқларининг фойдали жиҳатлари борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Фақат ҳар бир нарсда меъёр бўлиши кераклигини ёдингизга солмоқчимиз, холос. Ўйлашимизча, одамлар қимматли вақтларини ижтимоий тармоқлар учун сарфлашлари нотўғри, чунки ҳеч қандай тармоқ жонли, ҳақиқий мулоқот ўрнини боса олмайди. Яна шунга таъкидлаш лозимки, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик, шон-шухрат ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, инсон учун энг муҳими ҳақиқий ҳаётда ўз ўрнини топа билишдир.

Жасурбек ТОҶИБОЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Давоми. Бошланиши 1-бетда



"ЕР САЙЁРАСИДА ҲЕЧ КИМ ИҚЛИМ

ҲАВОГА ЭНГ КЎП ГАЗ ЧИҚАРАДИГАН ДАВЛАТЛАР

Иқлим ўзгариши — глобал иситиш даражаси дунёдаги sanoat заводлари, транспорт, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларнинг атмосферага чиқараётган газ чиқиндиларига боғлиқдир. Ер юзидagi газ чиқиндиларининг 25 фоизи АҚШдан чиқиши кузатилган.

Бугунги кунда дунёда ҳавога энг кўп газ чиқарадиган давлат Хитой бўлиб, у ҳавонинг булғанишига 70 фоиз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам табиатни асраб-авайлаш, иқлимни яхшилаш борасида йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Алоҳида махсус дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, Орол денгизини сув билан тўлдириш, атрофидаги экологик вазиятни ўнглаш, зарарли ва заҳарли воситалардан эҳтиёткорлик билан меъёрида фойдаланиш йўлга қўйилди. Мелиорация ва сугориш, шўр ювиш ва ерларни қуритиш, сунаъий ёмғирлатиш тизимлари, тозалаш иншоотлари ишлари тартибга солинди. Сув омборлари, шаҳарлардаги sanoat корхоналари фаолияти такомиллаштирилди, уларни ва тураржойларни оқилона жойлаштириш, аҳолига қулайликлар

яратиш, дарактзор ва ўрмонзорларни кенгайтириш, булут ва туманни ҳайдаш усулларини қўллаш тадбирлари кучайтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси "Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши Ўзбекистон учун қатор имкониятларни тақдим этди. Хусусан, энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари (асосан, грантлар)ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий экологик оқибатлар (Орол фожиаси, қўлланаш, қургўқчилик)га қарши курашиш қабилар шулар жумласидандир.

Энг асосийси, Париж битими иқлим ўзгариши, 2020 йилдан атмосферада иссиқлик газлари миқдорини камайтириш юзасидан чора-тадбирларни тартибга солиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки Конвенцияси доирасида қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади. Мазкур битим 2015 йил 12 декабрда Парижда бўлиб ўтган Иқлим бўйича конференция чоғида Киото протоколнинг ривож сифатида қабул қилинган. Битимдан кўзланган мақсад БМТнинг иқ-

лим ўзгариши бўйича дастлабки Конвенцияси "ҳаётга татбиқ этилишини фаоллаштириш", хусусан, ҳароратнинг глобал ўсшини Цельсий шкаласи бўйича ўртача 2°C даражадан паст ҳолатда ушлаб туриш ва ҳарорат ўсиши Цельсий шкаласи бўйича 1,5 даражада чекланиши учун сайёҳаракатларни ишга солиш билан изоҳланади.

БИР ЙИЛДА КЎРИЛГАН ЗАРАР

2017 йилда иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ табиий офатлар ва фалокатлар оқибатида қўрилган зарар 320 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу ҳақда БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш БМТнинг Бош Ассамблеяси доирасида иқлим ўзгариши бўйича юқори даражада ўтказилган тадбирда маълум қилиб, "Биз жуда, жуда тез ҳаракат қилмасак, бартараф этиб бўлмайдиган жиддий зарар қўришимиз хавфи мавжуд", деган эди.

Натижада, иқлим ўзгариши, яъни ҳавонинг иситиш муаммоси атмосферада иссиқхона газлари миқдорининг ортиб кетиши сабабли юзага келмоқда. Бу эса сайёраимиз аҳолисининг саломатлиги, экотизим, қишлоқ хўжалиги фаолияти ва энг хатарлиси, озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таъҳид солмоқда.

Марказий Осиё минтақаси бўйича иқлим ўзгариши муаммосига эътибор бера-

диган бўлсак, минтақа тоғларидаги музликлар шиддат билан эриб бормоқда. Маълумки, ичимлик сувининг 80 фоизи Помир ва Тяньшан музликларидан келади. Бу музликларнинг глобал ҳаво иситиш тўғрисида ҳақдан зиёд эриб бораётгани, яқин келажақда ичимлик суви тақчиллигига сабаб бўлиши мумкин.

Иқлим иситиш Марказий Осиё каби денгиздан узоқ, сув захиралари кам, саролашиш қучли минтақада ҳам ҳалокатли кечиши мумкин. Тожикистон ҳамда Қирғизистон вакиллари баъзи музликлар 20-30 фоиз эриганини айтишмоқда, бу эса айрим экологик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, иқлимдаги ўзгаришлар дунёнинг барча океан ва қитъаларидаги табиий тизимларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлаётир. Келгуси ўн йилликдан бошлаб фасллар билан боғлиқ ноодатий жараёнлар бошланиши мумкин. Масалан, жуда қаттиқ совуқ ҳужм сурадиган қиш ўрнини бирдан жазирама ёз эгаллаши ҳеч гап эмас. Ҳатто, бир кеча-кундуз оралиғида иситиш ва совуқ ҳароратнинг алмашинуви тез-тез бўлиши ҳам мумкин.

Тахминларга кўра, 2016 йилдан 2035 йилга қадар сайёраимизда ҳарорат тахминан 0,7 даража, 2081 йилга бориб эса, 1986-2005 йиллардаги кўрсаткичга нисбатан қийслаганда, қарийб 2 даража

■ АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ФУҚАРОНИНГ ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

ФУҚАРО Раъно Ибраева Паркент туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Унда ўзи ишлаган МЧЖга 2018 йил январь ойда ходимлар бўйича инспектор лавозимига ишга қабул қилиниб, МЧЖда ишлаганлигини ва 2018 йил ноябрь ойда ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаганлигини, ишдан бўшаганидан сўнг унга меҳнат фаолияти давомида берилиши лозим бўлган ойлик иш ҳақидан 10 571 713 сўм миқдорда ойлик иш ҳақи тўланмаганлигини маълум қилиб, ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраган.

Ўрганиш жараёнида МЧЖ раҳбарияти томонидан фуқаро Р.Ибраева ҳақиқатан ҳам 2018 йил январь ойдан ноябрь ойигача МЧЖда ходимлар бўлими инспектори лавозимда ишлаганлигини, унинг ишлаган вақти учун тўлиқ иш ҳақи тўланмаганлигини, жамият ҳисоб рақамига пул тушиши билан биринчи навбатда ҳисоб-китоб қилинишини маълум қилди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 154-моддасига кўра, иш бевуқи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақи белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт эканлиги белгиланган.

Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларга кўра, адлия бўлими томонидан фуқаро Р.Ибраеванинг МЧЖдан жами 10 571 713 сўм миқдорда ойлик иш ҳақини ундириш юзасидан унинг манфаатларини кўлаб, фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирик туманлараро судига ариза билан мурожаат этилди ва суд томонидан ариза қаноатлантирилди. Фуқаро Р.Ибраеванинг тўланмасдан қолган иш ҳақи тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Гулбой РОХМОНҚУЛОВ,
Паркент туман адлия бўлими бошлиғи

МЕҲМОНГА КЕТИБ, БОҒЧАСИЗ ҚОЛДИК

— ВИЛОЯТДА, ота-онамникида 15 кундан ортиқроқ вақт бўлдим. Уйга қайтиб, ўғлимни боғчага олиб борсам, тарбиячи тўлов қилмагандис, дея боламни қабул қилмади. Шу тўғрими?

Жамила ЭРҒАШЕВА,
Тошкент шаҳри



Шунингдек, мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун қарз 60 кун ичида қопланганда бола мактабгача таълим муассасасига тикланadi. Мазкур муддат ўтиб кетган тақдирда, мактабгача таълим муассасасига болани тиклаш янги қабул қилинадиган болалар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Низомда белгиланишича, боланинг мактабгача таълим муассасасига келмаслиги учун асослардан бири ота-оналардан бирининг ишдан (ўқишдан) бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра ота-оналардан бирининг сабаби кўрсатилган ҳолда олдиндан ёзган аризаси ҳисобланади. Бунда боланинг бир йилда кўпи билан 60 кунгача мактабгача таълим муассасасига келмаслигига рухсат берилади. Ушбу муддатдан ортиқ бўлган кунлар учун бола мактабгача таълим муассасасига келиш-келмаслигидан қатъи назар умумий асосларда тўлов тўланади.

Саволга Мирзо Улугбек туман адлия бўлими
масъул ходими Абдор БЕРДИЕВ жавоб берди.

ОЛИСДА ЮРИБ, ИСЛОҲОТЛАРДАН БЕҲАБАР ҚОЛИБМАН

— БУНДАН 4-5 йил олдин хоризка ишлаш учун кетган эдим. Уйга қайтган, иш билан нотариал идорага бордим. Нотариус навбат кутиб туришга ҳожат йўқлигини, электрон навбат йўлга қўйилганлиги, электрон тўлов тизимига ўтилганлигини айтиди. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

Мухайб ҚОСИМОВА,
Шахрисабз шаҳри



нотариус ҳисобот тайёрлашга кетказадиган вақтни ҳам фуқарони қабул қилишига ажратадиган бўлди. Шунингдек, электрон тўлов тизимига ўтилган, нотариус бир зумда электрон базага кириб, мижоз топширган маълумотлар билан бири, қарздорлик ҳақида ҳам текшириб кўради. Агар қарздорлик чиқса, шу ернинг ўзидаги касса орқали тўловни амалга ошириш мумкин.

Саволга Шахрисабз шаҳар 2-сон давлат нотариал
идораси нотариуси Дилноза ХАЙРУЛЛАЕВА жавоб берди.



ЎЗГАРИШИДАН ТАЪСИРЛАНМАЙ ҚОЛМАЙДИ

кўтарилиши мумкин. Натижада, доимий музликларнинг эриш жараёни тезлашиб, океанлар сатҳи юксалади. Хусусан, 2081-2100 йилларда уммон сувлари сатҳи 1986-2010 йиллардагига нисбатан 0,58 дан 0,98 метргача кўтарилади. Бу эса, ўз навбатида, тошқинлар кўпайишига, ер кўчкилари ва эрозияга, балиқлар ҳамда қуруқликдаги жонотларнинг палла-партиш миграциясига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, иқлим ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, 2050 йилга бориб, маккажўхори, гуруч ва бугдой етиштириш ҳажми 25 фоизгача қисқариши башорат қилинмоқда. Ер исиб, офатлар кўпайиши мумкин. Тадқиқотларга кўра, ҳарорат 2°C кўтарилса бу ҳолат иқлимнинг хавфли даражада ўзгаришига олиб келади ва қашшоқ мамлакатларга қаттиқ салбий таъсир қилади.

Иқлим ўзгаришида асосий сабаб бўлиб турган манбалар уйлари иситадиган, ёритадиган, машина ва техника ишлайдиган асосий энергия манбаи бўлган қазилма ёқилғи нефть, табиий газ, кўмир ва уран ҳисобланади. Электр энергияси иссиқлик ва бошқа энергия турларини олиш учун нефть, газ, кўмир ёқамиз. Қазилма ёқилғи ишлатилганда ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнлари

атмосферага углеводород кўшқоксиди (CO2) метан, азот чала оксиди ва бошқалар чиқарилади. Бу газлар исиган ер юзасидан инфрақизил нурларини фазога чиқармаслик хусусиятига эгадир. Бошқача қилиб айтганда, улар ернинг кўринмас (кўрпага ўраб) иссиқхона самараси ҳосил қилади ва сайёраимиз ҳароратини сақлаб туради. Бу самаранинг мавжудлиги бизнинг сайёраимизни ҳаёт учун яроқли қилади. Иссиқхона газларисиз ер ҳозиргидан тахминан 3000°C совуқроқ бўлар эди ва ундаги ҳаёт амалда музлаб қолади. Афсуски, инсон фаолияти жараёнида атмосферага жуда ҳам кўп иссиқхона газлари чиқарилмоқда. Бир кунда дунёда тўққиз миллиард литр нефть ёқилади ва бу кўрсаткич ортиб бормоқда.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ: 2025 ЙИЛДА БУНДАН ҚАНЧА ОДАМ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН?

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизи тубидаги суви қуриган майдонларда "Яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ишларига киришилди.

Юртбошимиз ғояларига кўра, бугунги кунда Орол денгизи муаммоси ва трансчегаравий сув ҳавзаларидан фойдала-

ниш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда тегишли чоралар қўрилмаса, бу ҳол минтақа давлатлари учун бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон учун иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари қуруқ иссиқ мавсум даврийлигининг узайиши, кучли ёғинли кунларнинг кўпайиши ва ёғинларнинг кескин ўзгариши, тоғларда қор захира-ларининг қисқариши ва музлашнинг дегра-рациялашуви, сел хавфининг ортиши, тоғ ён бағридаги ҳудудларда буғ ва пар-ланишининг кескин ўзгариши, қуёқчилик ва экстремал камсувчилик тақдирининг ортиши, сувга, биринчи навбатда суғориладиган деҳқончиликда, талаб-нинг ортиши, экстремал ҳодисалар та-қдорланишининг ортишига олиб келиши мумкин.

Фикримизча, буларнинг барчаси учун дунёда бир атама қабул қилинган. Бу ҳам бўлса "мослашиш". Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш ўзи нима учун керак? Масалан, ҳозир ахли башарнинг салкам бешдан икки қисми яшайдиган жойларда тирикчиликнинг энг асосий омил-ларидан бири саналмиш тоза ичимлик суви етишмайди. Аҳвол шу зайдда да-вом этаверса, 2025 йилга бориб инсония-тнинг бешдан уч қисми бу бебаҳо неъм-мат танқислигидан озор чекиши мумкин.

Хуллас, Ўзбекистонда иқлим ўзгариш-лари шароитида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллашти-риш, деҳқончиликнинг замонавий тизими-ни ташкил этиш ва ер ресурсларидан са-марали фойдаланиш мақсадида:

биринчидан, ер ресурсларини бошқа-ришдаги иқтисодий механизмлар ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари-га қатъий риоя этилиши устидан назор-ратни кучайтириш;

иккинчидан, ер ҳамда сув ресурслари-ни барқарор бошқариш тизимини янада мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлашга мослашиш;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш борасида "Органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги қонун билан биргаликда, балки "Ер ту-зиш тўғрисида"ги, "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги, "Ер мелиорацияси тўғриси-да"ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қа-бул қилишга ҳам эҳтиёж борлиги сезил-моқда.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети
"Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси
профессори, юридик фанлар доктори

КИТОБ БЕМИННАТ УСТОЗ

КИТОБХОНЛИК ЭСА
МАЪНАВИЙ ЭХТИЁЖ



КИТОБ — ақл қалъасидир. Китоб — ҳазина, у чексиз билим манбаи. Инсоннинг ҳаётда ундан яқин ҳамроҳи, дўсти, маслаҳатчиси йўқ. Негаки, у ақлни пешловчи қайроқдир. Китобсиз дунё хидсиз гулга ўхшайди.

Китобхонлик — маънавий эҳтиёж. Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Фарзандни китобга қизиқтирмаган, ўқишга ўргатмаган ота-она, аслида, уни саводсиз қилиб тарбиялаган бўлади.

Мутулаага қизиқиш сусайиши, ўз навбатида, аҳоли саводхонлиги даражасига салбий таъсир кўрсатиб, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдидлардан саналади. Чунки, тараққий этган давлатларда бу муаммонинг ечимини ҳал этиш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бунда асосан китобни севиш, фуқаролар ўртасида мутулаа маданиятини манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, ноширлик фаолиятини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган китоб бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, мамлакатимизда ҳам ёшлар ўртасида китоб мутулаасини тарғиб этиш, уларга қизиқтириш, ошно қилиб тарбиялаш борасида бир қатор амалий тадбирлар қилинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада юзга келган муаммоларни комплекс ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур Қарор китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини янги босқичга қўтаргани билан изоҳланади. Китобхонлигини

оммалаштириш мақсадида кенг аҳоли қатламини китоб мутулаасига жалб қилиш, уларни китоб билан таъминлаш, оммавий тадбирларни ташкил этиш бўйича аниқ ишлар олиб боришмоқда.

КИТОБ ДҶУНИДА

...Яқинда "Шарқ зиёкори" китоб дўқонига бордим. Одам гавжум. Демак, одамлар ҳали ҳам китоб ўқишга яратган қизиқишга эришганини кўришди. Китобларни кузатдим. Турли ёшдаги китобсеварлар учун ранг-баранг адабиётлар бисёр. Шеърят, бадий адабиёт, детектив, маънавий-маърифий асарлар дейсизми, барчасидан бор. Тўғриси, менга дўқоннинг болаларга мўлжалланган адабиётлар жойлаштирилган китоблар қатори ёқди. Бирма-бир китобларни кўздан кечирдим. Рангли муқовадаги китоблар шунчалик хилма-хилки, кўзингиз яшнайд.

Уша тоб тўсатдан кўнглимдан бир савол ўтди. Бугун қандай китоблар кўпроқ мутулаа қилинмоқда? Катта ёшдагилар маъноли, ўқишли китоблар мутулаа қилишлари бор гап. Бирок бугун ёшларимизни кузатсангиз, кўпроқ "енгил ҳазм бўладиган" китоблар, ўлдим-кўйдимга қоришган, севги-муҳаббат ҳақида ёки "Қандай қилиб тезда бойиб, миллионер бўлишнинг сирини", деб номланган Фарб адабиётларига ўч бўлишга яратган. Улар енгил-елпи, маънавий савб китобларга ўрганиб қолишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизнинг маънавий дунёқараши, ақлий билим ва тафаккурларини бойитишга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, турли мамлакатлар, элатларнинг китобат тарихини кузатсангиз, ўша юрт халқлари, миллатлари тарихи, уларнинг тафаккур

даражаси, ўй-мушоҳадалари, орзу-интилишлари, топганлари ва йўқотганлари, кучли ҳамда ожиз жиҳатлари, қувончу қайғулари — барча-барчаси ўша китоблар саҳифаларида муҳрланиб қолган.

Шуқри, миллатимизнинг турли даврларда турли хил ёзувларда муҳрланиб қолган оламга кўз-кўз қилгулик бой ёзма ёдгорликларимиз бор. Бебаҳо тарихий, диний, илмий, адабий асарлар ёзиб қолдирган юртдошларимиз қилган ҳар қанча фахрланасан арзийди. Қолаверса, халқимиз азалдан китобни севади, буюк аждодларимиз, олимлар фузало аллоамларимиз ўз даврларида мутулаа қилиш асосида буюкликка эришганлар.

Шу маънода айтганда, ички ишлар органлари ходимларини юксак касб маданияти соҳибига этиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида "Шарқ зиёкори", "Адолат", "Ўзбекистон", "Маънавият" ва "Янги аср авлоди" нашриётлари ҳамкорлида "Китоб ярмаркалари" ташкил этилмоқда.

Бу эса ходимларда хизмат бурчида садоқат ва масъулият ҳиссини ошириш, Ватанига ҳалол, пок, виждонан ва сидқидилдан хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини, ҳар қандай машаққатли хизмати ортида юртимиз манфаати ва халқимизнинг бахт-саодати турганини онгу шуурига синдиришда ижобий самара беради.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
ИИБ Кадрлар бош бошқармаси
Маънавий-тарбиявий ишлар ва
ижтимоий ҳимоя бошқармаси МТБ
инспектори, капитан

ЎСЎЗ ФАХРИЙЛАРИМИЗГА

ШУ ЙЎЛДА СИРА ЧАРЧАМАНГ!



УЗОҚ йиллардан бери Сурхондарё вилоят адлия бошқармасида халқимизга ҳуқуқий тарбиятини самарали етказишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир инсон фаолият юритади. Унинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ислохотларнинг моҳиятини тўғри англаб, талқин этаётганини алоҳида тилга олиш жоиз. Қолаверса, у нафақат ҳуқуқий ахборот тарғиботчиси, балки аҳолига маънавий ғизо улашуви соҳибига маърифат ҳамдир. Унинг газета-журналидаги кўнрақлиги ва жонқурлигини, ишга ҳолис ва пухта ёндашувини таҳририятимиз жамоаси ҳамisha мамнуний билан эътироф этади. У ҳамма газет ўқисин, маънавий ва руҳий оламиди бойитсин, жамиятдаги энг муҳим ўзгаришларни англаб етсин ҳамда ўзидан муносабат, дахлдорлик туйғулари шакллантирсин, шу аснода эл қорига ярасин, дейдиган ҳуқуқшунос.

Қоржов Чориев 1957 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманида таваллуд топган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. Кўп йиллар Сурхондарёнинг Сариосиё, Бандихон туманларида, шунингдек, Сурхондарё вилоят судида судья бўлиб ишлаган. Мана йигирма олти йилдирки, Сурхондарё вилоят адлия бошқармасида меҳнат қилиб келади. "Давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳозирга қадар суд ва адлия идораларининг демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг шохиди бўлибгина қолмай, уларни кенг жамоатчиликка етказишда ўзининг беиминнат ҳиссасини қўшаётган маънавий мутахассислардан бири ҳисобланади". Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Қоржов акага мана шундай муносиб таъриф берилган.

Адлия ходими ёш ҳуқуқшуносларга доимий равишда билим ва тажрибасини улашиб келмоқда. Адлия сафига қадам қўйган ходимларни қўлдан тутиб, ҳуқуқий янгиликлар — ислохотларни аҳолига қандай етказиш кераклиги борасидаги йўл-йўриқларни кўрсатади. Одамларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш ҳар бир адлия ходимининг юксак мажбурияти эканлигини бот-бот тақдорлайди. Уни жамоада ҳақли равишда устоз, деб атайдилар.

Қоржов Чориев кўп йиллик самарали меҳнати туфайли Адлия вазирлигининг эътирофи ва рағбатига сазовор бўлиб келмоқда. У 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги муносабати билан эсдалик кўрак нишони билан тақдирланган.

Биз жонқур устозга халқимиз маънавиятини бойитиш, ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш, одамларнинг ҳуқуқий соҳадаги билимларини ошириш ва уларнинг оғирини енгил қилиш йўлидаги бетиним саъй-ҳаракатларда ҳеч вақт чарчаманг, деймиз.

Мадҳия АБАЗОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Ҳар бир инсон ортидан ёруғ из қолсин



БИЗ 17-18 ёшга кирганимизда, яъни 1964-1965 йилларда ҳам Иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш асоратлари кетмаганди. Шу даврлар оралиғида Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Ўша пайти сиртқи бўлим бор эди. Ҳуқуқшунослик фаолиятимни 1965-1967 йилларда Андижон вилоят Адвокатлар ҳайъатида ҳисобчи лавозимидан бошлаганман. Иш жараёнида қўллаб уруш қатнашчилари билан бирга ишлаганман. Масалан, Вазирдиган ака Қосимов, Книжний, Фетлин каби инсонлар урушдан кейин адвокат бўлиб фаолият олиб боришган. Барибир уруш қўрган одам, тез-тез уруш хотираларини эслаб турар экан. Баъзида урушдаги воқеаларни сўзлаб беришарди. Уруш қатнашчилари орасида отам ҳам бўлган. Улар ўлимга тик боқиб, жангоҳларда қон кечи курашган. Уруш тугаган эса омон қайтганлар пайҳон ва айрон бўлган юртни тиклаш учун тинмай меҳнат қилган. Уруш туфайли оқ ва юпун қолган қийинлигини айтаётчиман. Негаки, судьялар ажралиш тўғрисидаги қарорлар бўладими, айбдорлик ва айбсизлик презумпциялари бўладими, ўз қўлларидан ёзиши керак бўлган. Ўйлаб қўраёсизми, битта ҳужжатни қўлда ёзганимизда 70-80 арақ бўлиб кетарди. Бу аҳвол кўп йиллар давом этди. Ниҳоят, ҳозирда компьютерда ёзилиб, техникалаштирилгани сабаб судьяларнинг иш унуми кенгайди. Бундан ташқари, ўша даврда битта

ҳодими бўлиб ишлаган. У пайтда алоҳида хоналар қаерда дейсиз, ҳозиргидек ҳар бир судьялар учун шинам хоналар, иш столлари бўлмасди. Ҳаттоки, судьялар ҳужжат тайёрлаш учун матн терувчи "оптима", деган машинага ҳужжат матнини ёздиришда соатлаб навбат кутишарди.


Фаолиятимга қайтадиган бўлсам, 1983 йилда Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинландим. Шу пайтлари нотариусларга ҳам етарли даражада шарт-шароит яратиб берилмаган эди. Хоналар етишмасди, иш жиҳозлари таъмирталаб эди. Ҳозирги пайтга келиб нотариуслар фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилиб, зарур шарт-шароитлар яратилди. Кейинчалик 1986-1989 йилларда Олий Суд раиси ўринбосари, 1989-1993 йилларда эса Андижон вилоят судининг раиси бўлиб фаолият юритдим. Ўзим кўп йиллар судьялик фаолияти билан шуғулланганим боис, судьяларнинг иши жуда мураккаб ва қийинлигини айтмоқчиман. Негаки, судьялар ажралиш тўғрисидаги қарорлар бўладими, айбдорлик ва айбсизлик презумпциялари бўладими, ўз қўлларидан ёзиши керак бўлган. Ўйлаб қўраёсизми, битта ҳужжатни қўлда ёзганимизда 70-80 арақ бўлиб кетарди. Бу аҳвол кўп йиллар давом этди. Ниҳоят, ҳозирда компьютерда ёзилиб, техникалаштирилгани сабаб судьяларнинг иш унуми кенгайди. Бундан ташқари, ўша даврда битта

судья жиноят, фуқаролик ишларини ҳам бажарар эди. Ҳозирда эса судьялар фаолиятида бу ишлар алоҳида таркибга чиқиб, ҳар бирига судьялар бириктирилган.

Фаолиятим давомида энг гурурланиб, ифтихор билан эслайдиган пайтим Олий Суд раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган давримдир. Биласизми, шу пайтлари 500 дан ортиқ "Ўзбек иши", "пахта иши", деган тамга ва бошқа айбловлар билан қамалган инсонларга оқлов ҳукмларини чиқариб, уларнинг айбсизлигини исботлаганимиз. Ҳақиқатан, қўлчил инсонларнинг айбсизлигини ўрганиб, уларга нисбатан жуда қўллаб оқлов чораларини кўрганимиз. Кейинчалик уларнинг миннатдорлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Оқланиб чиққан фуқаролар жамиятга ўз хизмати билан салмоқли ҳисса қўшиб, меҳнат қилишган. Мана шундай эзгу ишларга ўзимни оз бўлса-да, ҳиссамни қўшганимдан, самийи ва содда инсонларга ёрдам қўлини чўзганимдан гурурланаман. Маслаҳатим шуки, ҳозирда фаолият кўрсатаётган ёш судьялар бўладими, ҳуқуқшунослар бўладими, барчасига бизнинг фахримиз ҳисобланган Хадича Сулаймоновага ўхшаб, ўздан яхши ва ёрқин ном қолдиришларини истаيمان.

Одинахон ХАЙДАРОВА,
Андижон вилоят адлия
бошқармаси Фахрийлар
кенгаши раиси

ОҚЛОВ



99

Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддаси, 3-қисми талаби бўйича ишга бевосита алоқадор шахсларнинг, агар шундай шахс вафот этган бўлса, унинг яқин қариндошларининг муносабатларини олиш масалалари умуман муҳокама қилинмаган, Жиноят-процессуал кодексининг нормалари талаблари қўпол тарзда бузилиб, Ў.Мухторов тергов ва суд томонидан нотўғри айбланган.

ТАДБИРКОР ОҚЛАНДИ

ЖИЗЗАХ вилояти Ғаллаорол шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Ўролбек Мухторов жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судига кассация тартибда шикоят йўллади. Унда дастлабки тергов органларининг хулосаларига асосланиб, суднинг чиқарган ҳукмидан норозилигини баён этди. Шикоят ва эътирознома важдари атрофлича текширилди. Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ажримдаги кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг 25-168 моддаси, 2-қисмининг "а", 209-моддаси, 2-қисмининг "а" банди билан юритилган Ғаллаорол туман судининг 2012 йил 27 мартдаги ажримидаги биноан Амнистия акти татбиқи этилиши муносабати билан тугатилган Ўролбек Мухторов ҳақидаги олдинги 2 жилд жиноят иши, шунингдек, Ў.Мухторовнинг сўнгги ҳукмига оид мазкур 3 жилд жиноят иши ҳамда бошқа қўшимча ҳужжатлар судлов ҳайъати томонидан ўрганилди.

Бундан 13 йил илгари содир бўлган қилмишида жиноят аломатлари мавжуд, деган хулосага келиниб, ижтимоий хавфли қилмиш рўй берган, дейилган кундан сўнг, орадан беш ярим йил ўтган жиноят иши кўзгатирилган. Бироқ гумондорга нисбатан амнистия акти татбиқи этилиши муносабати билан иш тугатилган, ўхшаш бошқа ҳолат юзасидан яна жиноят иши кўзгатирилиб, тергов ва қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказилган. Хуллас, Ўролбек Мухторов терговда аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ғаллаорол туман ҳокимининг 2004 йил 6 майдаги 578-сонли қарорига сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, уни туман "Ермулк-

кадастр" хизматига тақдим этганлиқда, "Ғаллаорол сыхатгоҳи" МЧЖга мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб, сохта қарор ва кадастр ҳужжатларини ҳўжалик судлари ҳамда бошқа ҳуқуқ идораларига такроран тақдим қилганлиқда айбланган. "Ғаллаорол сыхатгоҳи" МЧЖ ва "Маржон суви" сыхатгоҳи ўртасидаги низолар судларда бир неча марта кўрилиб, "Маржон суви" сыхатгоҳини фуқароларнинг давлат ва жамоатнинг манфаатларига 74.106.551 сўм зарар етказиш ва шу тариқа ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мулкни форибгарлик йўли билан эгаллашдан иборат ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Жиноят кодексининг 209-моддаси, 2-қисми "а", 168-моддаси, 3-қисмининг "а" бандлари билан квалификация қилинган.

2019 йил февраль ойининг олтинчи кунин Судлов ҳайъати Ўролбек Мухторовни жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетгани муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши нотўғрилиги, Ўролбек Мухторовга оид иш фақат Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-банди асосида тугатилиши кераклигини маълум қилди. Аслида тергов даврида ҳам шундай талаблар қўйилган, бироқ ишини умумий тартибда судда кўриб чиқиши тўғрисида Ў.Мухторовдан ариза ёздириб олинган ва иш шу тариқа судга ўтказиб юборилган. Ваҳоланки, мазкур иш тергов даврида 4 марта тугатилиб, 1 марта тўхтатилган, иш бўйича 4 марта суд қарори қабул қилиниб, Олий суд томонидан суд қарорлари 2 марта бекор қилинган, бошида иш қўшимча терговга юборилиб, кейин янгидан 1-инстанция судида кўришга юборилган. Шу тариқа

иш ўз қонуний ечимини топмагани, бунга сабаб, аслида жиноят иши кўзгатилишининг ўзи нотўғри бўлгани, чунки жавобгарликка тортишнинг барча муддатлари ўтиб кетган бўлгани сабабли жиноят иши кўзгатилиши рад қилиш лозимлиги айтилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддаси, 3-қисми талаби бўйича ишга бевосита алоқадор шахсларнинг, агар шундай шахс вафот этган бўлса, унинг яқин қариндошларининг муносабатларини олиш масалалари умуман муҳокама қилинмаган, Жиноят-процессуал кодексининг нормалари талаблари қўпол тарзда бузилиб, Ў.Мухторов тергов ва суд томонидан нотўғри айбланган.

Кейинги суд натижаларидан келиб чиқиб, Судлов ҳайъати фақат ноаниқликлардан иборат бўлган, юридик нуқтаи назардан бирон-бир аҳамият касб этмайдиган, мазмун жиҳатидан мантиқсиз ва эътиборга умуман лойиқ бўлмаган кўрсатувлар асосида Ўролбек Мухторовнинг айбини тўлиқ ўз исботини топган, деб ҳисоблай олмади. Судлов ҳайъати эндиликда бошқа қўшимча далилларни тўплашнинг имкони йўқлигини алоҳида таъкидлаб, Ў.Мухторовни Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, 3-банди асосида оқлашни лозим топди. Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди Судлов ҳайъати томонидан жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман судининг 2018 йил 27 февралдаги ҳукми бекор қилиниб, Ўролбек Мухторов жиноят содир этилишига дахлдор бўлмаганлиги сабабли оқланди.

ШУХРАТ СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

СОХТА ХУЖЖАТ ТУЗГАН МУДИРАГА ЖИНОЙИ ИШ ОЧИЛДИ

ХАЛҚИМИЗ устоз-мураббийларни, тарбиячиларни эъзозлайди, ҳурматини жойига қўяди. Аммо баъзида улар орасида касбига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради.

Муниҳон Ризаева пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 219-мактабга таълим муассасасининг мудираси лавозимида ишлаган. У ўзганинг мулкни ўзлаштириш мақсадида сохта ҳужжатлар тайёрлаган. М.Ризаева ман-

саб мавқеини суиистъеомол қилиб, 2017 йил муассасага М.Усмонбоевни бино ишчиси вазифасига, К.Ҳосилбековани жисмоний тарбия йўриқчиси вазифасига, Л.Рихсиевани музика раҳбари вазифасига, Р.Ҳақимовани рус ва ўзбек тили ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилганлиги ҳақида буйруқ чиқарган. Аммо ушбу шахслар мазкур мактабга таълим муассасасида меҳнат фаолиятини юритмаган. Яъни, ишламаган. Мудира тўлов қорғозларига сохта маълумот киритиб, жами 6.130.642,62 сўм пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Мазкур муассасада ўтказилган текширувда қингир иш фош этилди. Ишламаган одамларга буйруқ чиқарилиб, маош тўланганлиги аниқланди. Сохта ҳужжат тузган мудирага нисбатан жиноий иш кўзгатирилди.

Отабек СОДИҚОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти
Мирзо Улуғбек туман
бўлими катта инспектори

КАЛТИС ЎЙИНЛАР

ХАЛҚАРО соғлиқни сақлаш ташкилотининг видеоўйинларга бўлган муносабати кўплбб мулоҳазаларга ўйлантирди. Унга кўра фойдаланувчиларнинг видеоўйинларга бўлган интилиши инсон руҳий ҳолатида тартибсизликни келтириб чиқармоқда. Ушбу натижалар эълон қилинганидан сўнг видеоўйинлар индустрияси хавф остида қолиши мумкин.

Яқинда ушбу видеоўйинлар Олимпия ўйинлари дастурига киритилиши режалаштирилган эди-ку! — Киберспорт тўлақонли спорт тури ҳисобланиши керак — дея таъкидланган эди электрон лоббистлар мухлислари томонидан. — Бу эса Олимпия ўйинлари келажак авлод учун ўз мавқеини сақлаб қолиши учун ҳам керак.

Энди эса компьютер экрани қаршисида тонгга қадар ўтирадиганлар, "телбалар", дея таъкидланмоқда. Бироқ Америка интернет-бизнесидан катта даромад оладиганлар геймер (ўйинчиларни) таъкиб қилишни бас қилишни талаб қилмоқда.

Британия тиббиёт ходимлари инсонларни ўз ҳаяжонларини енга олмайди деган тоифаларга ажратади. Сўнгги йиллар мобайнида ўйинга муккасидан кетиш касалига чалинганларнинг довланиши бўйича Британия мэри янги миқозларнинг катта оқими ҳақида гапирган. Клиникада инсонларнинг ҳиссиётини бошқариш орқали уларни тузатишга ёрдам бериб, ўзини ўйин ихтиёрига топшириб қўйиш қанчалик маъносиз эканлигини тушунишга мажбур қилишади. Уларни қўриб турган нарсаларини мустақил таҳлил қилиш ва ҳиссиётлари устидан назоратни сақлашга ўргатишади. Психотерапевт Метью Прис ўйинга қарам бўлишнинг юзга келиш кўрсаткичларини қамайтириш ёки ҳеч бўлмаганда ўйинга ажратилган вақтни қисқартириш кераклигини таъкидлаган.

Шифокорлар ҳали-ҳануз ушбу қарамликнинг классификацияси бўйича баҳслашмоқда. Баъзилар клиника шариоатида уни довлалаш мумкинлигини айтмоқда. Яъни, турли таъсирлар кўрсатиш орқали уни енгиш мумкин. Шунингдек, шифокорлар ўйин ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятсизлигидан хавотирланмоқда. Айниқса улар турли янги йўللар ўйлаб топашмоқда. Натижада фойдаланувчилар тобора ўйинга шўнғиди ҳамда уларнинг маҳсулотлари хариди ошиб, ўйинчилар ундан узоқлаша олмайдиган даражага етадилар.

Ҳозирда ўша машҳур ўйин ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қонуний чора қўриш ҳамда уларни жиноий жавобгарликка тортиш талаб этмоқда. Ким шу касалликка чалинса, бундан ташқари, унда алкоголь ҳамда қимор ўйинларига бўлган қизиқиш ҳам ортади. Бу жарликка олиб бориб, ўша ўйинчини охири таом қилади. Хавфсиз ўйиннинг ўзи бўлмайди, энг оддий отишмадан бошланган ўйин энг қийинларига, шунингдек, уни қамаиб олиб, ўйинчини худди наркотик истъеомол қилишда катта доза талаб қилгандек компьютер қаршисида янада кўпроқ ўтиришга мажбур қилади.

"Мир новостей" газетасининг
2018 йил 27 июнь сонидан
Мадина ХАМДАМОВА таржимаси.



“ХОНҚА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

*9 май — Хотира ва қадрлаш
куни билан бутун халқимизни
ҳамда буғун эл ардоғида умр-
гузаронлик қилаётган барча
уруш қатнашчиларини чин
қалбдан табриклайди.*

Юртдошларимизнинг оиласига сиҳат-
саломатлик, эл-юртимиз тинчлиги учун
жон фидо қилган, куч-қувватини аяма-
ган ҳар бир фахрийларимизга узоқ умр
тилайди.

ИНВЕСТИОРЛАР ФАОЛИЯТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МУҲИМ ЎРИНГА ЭГА

ЧЕТ эл инвесторларининг эркин фаолият юритишларида, албатта, тижорат банкларининг ўрни катта. Инвестиция жалб қилиш жараёнида турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар ҳам кириб келади, оммалашади, ривожланади. Мутахассисларнинг малака ошириш имконияти кенгайди. Энг муҳими, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Бу борада Марказий банкнинг Самарқанд бошқармаси бошқарувчиси Қайюм Собиров фикрлари билан қизиқдик.

— Президентимиз “Халқ яхши яшаши керак, бироқ бунинг учун бизда яхши ишлаб чиқариш қувватлари бўлмоғи лозим. Яъни, янада кўпроқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши, янги иш ўринлари яратилиши керак. Буларнинг бари бир-бирига чамбарчас боғлиқ”, дея таъкидлайди. Бугун вилоятимизда 14 та тижорат банки, шаҳар ва туманларда уларнинг 60 та филиали ҳамда 2 та нобанк микрокредит шохбаси фаолият кўрсатмоқда. Тўрт минг тўрт юз нафар ходим 112 та минибанк, 52 та жамғарма касса, 93 та валюта айирбошлаш шохбчаларида аҳолига банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг ўтган 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори биз учун йўл харитаси бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан ушбу Қарорни амалда бажариш мақсадида ўтган 2018 йилдаёқ Ўргут шаҳрида “Ҳамкор банк”нинг янги филиали ташкил этилиб, айни кунларда у мижозларга намунали хизмат қилмоқда. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида Туркиянинг “Зираат банк” филиали очилиши бора-сида амалий ишлар олиб борилаётган.

Маълумки, тижорат банкларининг яхши ишлаши учун мустаҳкам ва барқарор молия ресурс манбаларига эга бўлиши катта аҳамиятга эга. 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига умумий депозитлар ҳажми 2 триллион 531 миллиард сўм, омонатлар эса 1 триллион 186 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилдаги депозитлар қолдиги 34 фоизга, аҳоли омонатлар қолдиги 32 фоизга ошганлигидан далолат беради. Вилоят туман ва шаҳар тижорат банклари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаб, иқтисодий кредитлар қўламини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб борилаётган.

2019-2020 йилларда вилоятда амалга ошириладиган саноат хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳалари “La plante verte” МЧЖ картон маҳсулоти ишлаб чиқариш лойи-

99

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси борасида бугун вилоятда 93 та валюта айирбошлаш шохбчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шохбчаларнинг 22 таси кечая кундуз фаолият кўрсатади.

ҳасига 565 миллион сўм, “Нарпай Нисомжон” фермер хўжалигига газланган ва газланмаган тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш учун 531 миллион сўм, “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури асосида “Ғаниев Шахзод Шавкатович” МЧЖ га қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 185 миллион сўм, “Шерқулов Фаёз Фарҳод ўғли” МЧЖ га термोकлей ишлаб чиқариш лойиҳасига 250 миллион сўм кредит ажратилган. Шундан, 598 та лойиҳа бўйича тижорат банкларининг 4 триллион сўми миллий валютадаги кредитлар, 219,4 миллион АҚШ доллари (1,83 триллион сўм эквивалентида) микродоридаги чет эл валютасидаги кредитлар ажратилиши шу йилга режалаштирилган.

Шуниси қувонарлики, вилоятда 903 та лойиҳадан шу йилнинг ўзига 816 таси ишга туширилади. Марказий банк вилоят бош бошқармаси томонидан шу йилнинг ўтган даврида ҳудудларни ривожлантириш дастурида 83 та лойиҳага 3,2 миллиард сўм, “Ўргут эркин иқтисодий” зонасида фаолият йўлга қўйилган 1 та ишлаб чиқариш лойиҳасига 1,7 миллиард сўм, кичик саноат зоналаридаги 2 та лойиҳа бўйича 257 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу лойиҳа-

лар ишга туширилиши натижасида қарийб 700 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимизнинг тижорат банкларида “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури асосида 1,6 миллиард сўм, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 35,3 миллиард сўм, хунармандчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 3,5 миллиард сўм, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 600 миллион сўм, “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш” жамоат фонди ҳисобидан 2,8 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юқорида келтирилган манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар сони 2190 тани, ажратилган маблағ эса 43,8 миллиард сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитлар ҳисобидан қарийб 3 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан 2018 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида 1500 нафардан ортиқ мижозларга 17 миллиард сўм, пластик орқали бериладиган 7900 нафар мижозга 82 миллиард сўм микроқарзлар, 42,5 минг мижозга 358 миллиард сўм истеъмо, 4300 нафар мижозга 302 миллиард сўм, автокредит 4300 мижозга 532 миллиард сўм ипотека кредити ажратилди. Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган 969 нафар талабага 18,2 миллиард сўм таълим кредити ажратилди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси борасида бугун вилоятда 93 та валюта айирбошлаш шохбчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шохбчаларнинг 22 таси кечая кундуз фаолият кўрсатади.

Бугун тижорат банклари ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, касбий малакасини ошириш, иқтидори ва истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида сезиларли даражада иш олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси Самарқанд ҳудудий филиали, Ёшлар Иттифоқи вилоят кенгаши ва бир қатор муассасалар ҳамкорлигида 2018 йилда “Энг иқтидорли ёш банк ходими” вилоят танлови ҳамда спортнинг бир неча турларини қамраб олган “Марказий банк кубоги” мусобақалари ташкил этилган. Шу йилнинг февраль ойида Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси томонидан “Энг иқтидорли ёш банк ходими” вилоят танлови ўтказилиб, унда 3 та ўрин 3 нафар ходимга, яъни вилоят “Халқ банки”дан Илҳом Ниёзов, “Orient Finans Bank”дан Насиба Ризаева, вилоят “Микрокредитбанк”дан Феруза Якубжоноваларга 2-ўрин насиб этди. Вилоят “Ипак йўли банки”дан Зафар Нормуродов, “Аска банк” ходими Темур Раҳмонқулов, фахрли 1-ўринга, Марказий банк ходими Бехрўз Худоёров, танлов гранприсида эса “Asia Alliance Bank” ходими Жаҳонгир Дўсбеков сазовор бўлди. Мусобақа ғолиблари ва ушбу кўрик-танлов қатнашчиларига диплом, эсдалик совғалар ҳамда “Темур тузуқлари”, “Қобуснома”, “Конфуций ўғитлари” китоблари совға қилинди.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

БУГУН ВИЛОЯТИМИЗДА



АҲОЛИГА БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА

О‘QISHGA MAHŖAMAT!

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Toshkent shahar yuridik kollejiga 2019-2020 o‘quv yili uchun umumiy o‘rta ma‘lumot (11-sinf) va o‘rta maxsus, kasb-hunar ma‘lumotiga ega bo‘lgan shaxslarni to‘lov-shartnoma asosida o‘qishga hujjatlarni qabul qiladi.

O‘QISH MUDDATI 2 YIL.

HUJJATLARNI QABUL QILISH MUDDATI 1-20 IYUN!!!

QUYIDAGI HUJJATLAR TAQDIM ETILISHI LOZIM:

1. Kollej direktori nomiga ariza.
2. Pasport nusxasi.
3. Umumiy o‘rta ta‘lim (11-sinf negizida) yoki o‘rta maxsus kasb-hunar ta‘limi muassasasini tugatganligi haqidagi hujjatning asli va nusxasi.
4. 3,5 x 4,5 o‘lchamli 6 ta rangli fotosurat (oq fonda).

Fuqarolik shaxsini tasdiqlovchi hujjat (pasport) asli shaxsan ko‘rsatiladi.

O‘qishga “Huquqshunoslik” va “Ona tili va adabiyot” fanlari bo‘yicha yozma imtihon asosida qabul qilinadi.

MUTAXASSISLIKLAR:

- Davlat xizmatlari bo‘yicha yurist
- Kadrlar masalalari bo‘yicha yurist
- Notariat bo‘yicha yurist
- Agrar sektorga yurist
- Ijro ishi bo‘yicha yurist
- Shartnomaviy masalalar bo‘yicha yurist

MUROJAT UCHUN TELEFONLAR: 71-271-42-35, 94-663-39-21.

Manzil: Toshkent shahar, Uchtepa tumani, 12-mavze, 67a-uy.

ESLATMA: ABITURIENTLAR 11-SINF YOKI KOLLEJ (LITSEY) BITIRUVCHILARI BO‘LISHI SHART! O‘qish to‘lov (kontrakt) asosida amalga oshiriladi!

ҲАЁТДАН СЎЙЛОВЧИ АСАР



Ўзи азалдан китобсевар халқ бўлганмиз. Аждодларимиз тамаддун ривожига хизмат қиларли асарлар битиш баробарида, жаҳонга машҳур олимларнинг китобларини йиғиб, улкан кутубхоналар ҳам ташкил этган. Мирзо Улугбекдан сўнг дом-дараксиз йўқолган темурийлар кутубхонаси тақдирини ҳозиргача қўчилиқда қизиқиш уйғотади. Улуг адиб Оид Екубовнинг "Улугбек хазинаси" асарини мутолаа қилганлар ушбу кутубхонанинг муҳобати ва қиммати ҳақида яхшигина тасаввурга эга.

Яқинда таниқли ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори, профессор Комил Синдаровнинг "Темурийлар кутубхонасининг сири" детектив қиссаси нашрдан чиқди. Китоб муаллифнинг кириш сўзи билан очилади. Унда асарни ёзишдан мақсад баён этилган. Аввало, улкан маънавий меросимизни, жумладан, аждодларимизнинг буюк асарлари қўлэмаларини асраб-авайлаш

КИТОБГА ва китобхонликка муносабат юксалгани боис савдо пештахталари тобора янги номдаги адабиётлар билан бойиб бормоқда. Улар орасидан турли доира вакиллари ўзининг истагу дидига мосини топиши мумкин.

лозимлиги ўқтирилган бўлиб, ўқувчиларда прокуратура терговчиларининг сермашақат ва шарафли меҳнатлари ҳақида тасаввур уйғотиш ният қилинган.

Воқеа марказдан анча узоқ бўлган Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани Ҳазрати Башир кишлоғи теварағида бўлиб ўтади. Асарда сирли қотилликни фош этиш учун юборилган Бош прокуратура терговчилари Фахриддин ва Санжарбекларнинг жиноят изини қидириш асносида олиб борган фаолиятлари қутулмаган воқеаларга бойлиги билан китобхонни ўзига эргаштириб, охириг нуктага қадар уринтирмай олиб боради.

Ҳаммаси ўлдириб кетилган Норбўта чўпоннинг чўнтағидан чиққан қадимий олтин тангадан бошланади. Иш жиддийлигини англаб етган Бош прокуратура жиноятни тафтиш этиш учун маҳоратли ва навқирон ходимларни бу ишга жалб этади.

Фахриддин ва Санжарбек асарда жуда мулоҳазакор, ўз ишининг усталари сифатида тасвирланган. Айни пайтда, уларга параллел тарзда изланиш эмас, зўравонлик билан айбни бўйинга қўйишни касб қилиб олган ҳамкасбларининг ҳам қиёфаси гавдалантирилган. Масалан, икки терговчининг жиноят изи чалқашлигидан уни аниқлаш осон эмаслиги ҳақида уйга толган, гумон-

ланувчилар ҳамда гувоҳлар билан қонун доирасида, касб этикасига амал қилган ҳолда пухта суриштириш олиб бораётганини кўрган маҳаллий терговчи Маҳкам Ҳакимовичнинг гаши келади. Жиззакчилик қилиб, гумон пайдо бўлган кишини қамашни ва турли ноқонуний йўллар билан уларни айбига икор бўлишга мажбурлашни тақлиф қилади. Муаллиф Маҳкам Ҳакимович тим-солида терговчининг бундай йўл тутуши унинг ношудлигидан дараклигини ўзига хос тарзда тасвирлай олган. Ҳуқуқи, айниқса, ҳуқуқшунос бўлса, бу ҳолдан ўзи учун тез ва аниқ хулоса ясаши табиий.

Норбўта чўпоннинг чўнтағидан чиққан олтин танга изкуварларни улкан хазина ва афсонавий кутубхона томон етаклайди. Аммо изкуварлар мақсадга осонликча эришмайди. Улар чалғитувчи тўсиқларни енгиб ўтиб, таъбир жоиз бўлса, қилин қирқ ёриб улкан жиноят ва унинг айбдорларини фош қилади. Бу йўлда уларга мулоҳазакорлиги, сабру бардоши ва ҳақиқатпарварлиги қўл келади. Агар узокни кўра олмайдиган ҳамкасблари Маҳкам Ҳакимовичдек иш юритганларида улкан хазина ва йўқолган темурийлар кутубхонаси топилмаган, асл айбдорлар овозидики-ю, бир беғуноҳ тазийк туфайли айбни бўйинга олиб, қамоқда ўтирган бўларди.

Асарда тақдир ажойиботлари, ҳаётнинг бешафқатлиги қаҳрамонлар бошидан кечган воқеалар асосида маҳорат билан кўрсатиб берилган. Ҳар бир воқеа-ҳодиса эса қаҳрамонларнинг характерини аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Масалан, Фахриддин ва Санжарбекка юқоридagi воқеалар баёнидан сўнг матонатли кишилар, ўз касбининг фидойилари сифатида қарайсиз. Норбўта чўпонга эса ҳам раҳмингиз келади, ҳам маърифатсизлиги, нафсини тия олмагани сабабли фожиали ўлимига ўзи сабабчи бўлганига гувоҳ бўласиз.

Асар сюжети ўтиш йилларида яшаран одамларнинг ҳаёт машаққатлари билан кураши ҳақида ақлол тасаввур уйғотади. Чўпоннинг иккинчи аёли Садоқатнинг ўсмирлик йилларидан йўқчилик аталмиш офатга рўпара келиши, минг азоб чекиб ҳам умид билан олға интилиши ўқувчи кўнглини ларзага солади. У фақат яшаб қолиш, дарддан онасини даволатиш ва оилавий аҳволини яхшилаб олиш учунгина салкам отаси тенги одамга иккинчи хотин бўлишга кўнади.

Чўпоннинг биринчи аёли Мастура эса эрини бахтиёр кўриш илнжиди уни ўзга аёлдан бўлса ҳам ўғил қўриши учун интилади. Унинг қалбдан эзиллишлари, инсоний туйғуларни китобхона ачинини ҳиссини уйғотади. Асардаги энг мураккаб руҳий-психологик тадқиқини талаб этадиган образ ҳам Мастура образидир.

Айтиш мумкинки, асарнинг энг катта ютуқларидан бири қаҳрамонлар сўзлашувидagi жонликлик ва сўз бойлигидир. Асл ўзбекча характерга эга қаҳрамонларнинг мулоқотида ҳам чин ўзбекча лафзларини учратасиз. Бу муаллифнинг халқ ҳаётини қузатувчанлигидан дарак беради.

Арслон ЭШМУРДОВ,
журналист

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 25.04.2018 йилда 603799 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 30-мавзе, 38-ўй, 100-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "MR FOOD" хусусий корхонаси (СТПР 305 512 062) таъсисчисининг 2019 йил 13 майдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 599-44-55.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 04.02.2019 йилда 679502 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Кичик халқа йўли ва Фарход савдо расаси EVER AUTO 68-дўкон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "PANDA AUTO" хусусий корхонаси (СТПР 306 081 497) таъсисчисининг 2019 йил 8 майдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 168-99-69.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 10.11.2014 йилда 006852-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Жамшид кўчаси, 6-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "USCHTERA METAL" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 303 087 554) якка таъсисчисининг 2019 йил 8 майдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 266-06-03.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 06.08.2012 йилда 005333-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 31-мавзе, 48-ўй ёнида "YUSUF SHARIF" ХК биноси манзилида давлат рўйхатидан ўтган "QAHNOR-SHOXJAHON" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 302 378 857) якка таъсисчисининг 2019 йил 7 майдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (91) 470-10-65.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман "Ягона дарча" марказида 12.06.2017 йилда 525159 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 31-мавзе, 48-ўй, 36-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "LAZZAT NURLI SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 304 939 053) таъсисчисининг 2019 йил 10 майдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 378-98-98.

"SWEETS GROUP" масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига биноан ўз фаолиятини ихтиёрий тугатмоқда.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (97) 747-03-07.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 05.09.2018 йилда 633191-сонли реестр тартиб рақам билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 49-ўй, 67-хонадон манзилида жойлашган "G-MONITORING CO" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 13 майдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар (97) 440-33-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 305 728 419.

Яккасарой туман "Ягона дарча" маркази томонидан 29.11.2016 йилда 009641-11 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "UNIVERSAL IZOBILIE VKUSA" МЧК (манзили Яккасарой тумани, Бахорид кўчаси, 21-ўй) 2019 йил 10 майдан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (91) 133-55-88.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 30 апрелдаги 167-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "QOMUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Ахтамов Отабек Тўйчиёвич номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000077-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 2 майдаги 84-ум-сонли буйруғига асосан Қодиров Шухрат Абдураҳимович ҳамда Баротов Насриддин Хожиевичларга малака имтиҳонини топишганини сабабли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги маълум қилинади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Холбаев Шерали Атакуловичга 2018 йил 24 декабрда берилган NA 000145-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 18.01.2019 йилда 670181-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Қўзилсув кўчаси, 14А-ўй манзилида жойлашган "VNESHTORGINVEST" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 25 апрелдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар (98) 310-05-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 306 008 878.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 30.01.2019 йилда 678828-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 74-ўй, 6-хонадон манзилида жойлашган "POWERFUL ENERGY" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 10 майдан

1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар (97) 157-68-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СТПР: 306 061 363.

Наманган вилоят "Yuridik Globus" адвокатлик ҳайъати адвокати Бобожанов Файратхон Эбодовичнинг адвокатлик мақоми иш даврига тўхтатилди.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.11.2018 йилда №649614 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "BALITC GOODS" масъулияти чекланган жамияти тугатилди.

Давлопар (93) 181-60-60 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 305 852 749.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 12.10.2018 йилда №642918-сонли рақам билан рўйхатда олинган "ALCO GIFT STORE" хусусий корхонаси тугатилди.

Давлопар (90) 920-65-22 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 305 802 477.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 31.01.2019 йилда №677427 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "GIYASOV TRADING" хусусий корхонаси тугатилди.

Давлопар (98) 305-69-89 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИНН: 306 065 982.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Обхавт кўчаси, 3а-ўй) 2018 йил 30 августда 632723-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "ZAMON ZIVO" НТМ манзили Сергели тумани, Сергели-2 мавзеси, Енгил Санюат коллежи (СТПР 305 725 304) таъсисчисининг 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (97) 752-56-32.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Обхавт кўчаси, 3а-ўй) 2008 йил 28 март-

да 001501-06-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "MO'IN HOJI FARZANDLARI" ХК манзили Сергели тумани, Сергели-7 мавзеси, 2-хонадон (СТПР 300 788 997) таъсисчисининг 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (93) 583-72-65.

Яккасарой туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 25.09.2013 йилда 007027-09 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган "DEMO RECORDS" МЧК (манзили Охажик кўчаси, 12-ўй, 17-хонадон) 2019 йил 10 майдан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (90) 168-91-11.

Яккасарой туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 10.08.2005 йилда 001878-11 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган "OFTALMED OPTIKAL" МЧК (манзили Ю.Х.Хожик кўчаси, 58-ўй) 2019 йил 10 майдан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тел.: (90) 904-78-03.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 25.07.2014 йилда 008330-10 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "BALSAMUM" МЧК 2019 йил 3 майдан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

Тел.: (90) 186-56-53, (99) 888-10-33.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

Бош муҳаррир

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очлович

Тахриратта келган қўлэмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадина Хамдамова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахриратти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нарийёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.

Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 11773
Буюртма — V-3401
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 00:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келтирилган нархда

1 2 3 4 5